

Бўза, май ва умуман кайф берадургон ичкиликларининг зарарли бўлиши тўғрисида сўзлаб ўлтириш ортикчадир. Унинг кандайин захри беомон экани илман собитдир. Яқинда бутун Русия олимларининг Масковда бўлуб ўткан курултойи аклсизлик-жинниликнинг ичкиликка жуда яқин алоқада бўлганини исбот этди. Бу нарса Туркистоннинг бутун шахар ва кишлокларига ёйилгон. Хатто баъзи бир зиёлилар ва хотинларига хуррият тарафдори бўлгон кимсалар ўз оилалари билан ҳам «расман» ичишмакка бошлагонлар.

Кўп кишилар бунинг кўп ичилишини билимсизликдан, зарарини тушунмаганликдан келадир, дейдилар. Лекин бу тўғри эмас. Дўхтурлар ҳам тамаки ва «алкагул»нинг зарарини жуда яхши билатуриб, ўзларини шундан торта олмайдилар. Бу, тўғриси, тарбиясизликдан келгандир. Бундай кишилар ўзларини идора эта олмайдургон зотлардир. Бунга ўргангандан кейин кутулиш кийин.

«Туркистон» газетининг ўтган сонларидан бирида, Туркистон Хатк комиссарлар шўросининг кўкнори экишни ман килиб чикаргон қарори ёзилди. Биз буни кўруб халкни захарлайдургон моддалардан бирини камайтириш ва битириш йўлига киришганлигини кўруб жуда севиндик ва олқишладик. Бугун ичкилик тўғрисида ҳам ўз товушимизни халкнинг хомийи ва мураббийи бўлган юқори ҳукумат доираларига эшитдирмакчимиз. Ичкилик ўзгаришдан кейин бир неча вақтлар ман килингон бўлса ҳам, «иктисодий-сиёсат» билан яна эски холига қайтди. Самогун ва мусаллас пиширгувчилар билан кураш олиб боргон бўлса ҳам, ул кўп вақт давом этмади. Шундан кейин яна ривож олиб кетди.

Мана бу курашни тўхтатмаслик керак. Юқори доираларимизнинг, айникса, бўлис ва кишлок ташкилотларининг ва халкимизни маданий ҳаётга яқинлаштирмоқ дардида бўлгон ишчиларимизнинг шу масалага жиддийроқ қарамоқларини ўтинамиз.

Вадуд Махмуд

Ушбу мақола «Туркистон» газетасининг 1923 йил 24 декабр сонидида эълон қилинган.